

**АЛИШЕР НАВОИЙ ДАВРИ ИМОРАТЛАРИНИНГ АРХИТЕКТУРАСИ****Тўраева Нилуфар Нортожи қизи****Жўраев Санжар***Термиз давлат университети**“Архитектура ва қурилиш” факултети ўқитувчиси**Телефон: +998 (99) 224-44-42**+998(93) 075-17-96*

Аннотация: Ушбу мақолада Алишер Навоий давридаги ижтимоий-иқтисодий, маъданий-маърифий шароитлари, Алишер Навоий даврининг шаҳарсозлик маъданияти ва архитектураси, А.Навоий ва Ҳусайн Бойқоронинг эл-юрт маъмурчилиги, мамлакат ободончилиги йўлидаги қилинган бунёдкорлик фаолияти (Ҳирот ва унинг атрофларида, Машҳадда, Астрабодда, Марвда, Мазори Шарифда, Афғонистон Хуросоннинг бошқа ҳудудларида қурдирган бино ва иншоотлари, ҳамда уларнинг архитектураси, муҳандислик ва ирригация объектлари), А.Навоий ва Ҳусайн Бойқаро яратган боғлар ва уларга хос хусусиятлар ёритиб берилган.


Аннотация: Социал-экономис, султурал-эдусатионал сондиционс, урбан султуре анд арчитестуре оф Навои Эпоч, администратион оф Навои анд Ҳусейн Бойкара, креативе ативитий он тхе роад то просперитий оф тхе соунтрий (буилдингс анд структурес буилт ин Ҳерат анд итс энвиронс, Машҳад, Астрабод, Марв, Мазари Шариф, Афғанистан анд отхер регионс оф Кҳорасан, тхеир арчитестуре, энгинееринг анд ирригатион фасилитиес), паркс креатед бй Навои анд Ҳусейн анд тхеир феатурес ҳаве беен ҳигҳлигҳтед ин тхе диссертатион.

Темурийлар даври саройларини асосан икки йирик турга бўлиш мумкин. Биринчиси – бу ҳукмдорнинг давлат бошқарув ишлари билан расмий шуғулланадиган, турли хил давлат тадбирларини ўтказадиган шоҳона саройи бўлса (масалан, Боғи-шаҳрда қурилган Шохрух Мирзонинг ҳукумат саройи), иккинчиси – шаҳар ташқарисида, одатда, боғлар ҳудудида жойлашган дам олиш ва кўнгил очар кўшк-саройлардир (масалан, Боғи Сафеддаги Бойсунқур Мирзо саройи). Биринчи турдаги саройлар шаҳар ичида, ҳукмдорнинг арк-қалъаси ҳудудида ёки шаҳарнинг ҳимояланган қисми – “ҳисор”да жойлашган. Иккинчи турдаги саройлар эса шаҳар четида ёки унга яқин бўлган, атрофи ҳимояланган истироҳат боғлари ҳудудида қурилган.

Сарой бинолари архитектураси инсоният тамаддунида ўзининг етакчи ўринни эгаллаши билан бирга кенг жамоатчиликни ўзига бўйсиндирувчи бошқарув объекти сифатида ҳам макон ва замонда, санъат, меъморчилик, қурилиш ва халқ амалий санъатининг юксак ютуқларини ўзида акс эттира олган. Шу боисдан саройлар архитектурасини ўз даври ҳукмдор ва



амалдорларининг бойлиги, ҳоҳиш истаклари ва бинокор халқ усталари маданиятининг кўзгуси десак хато бўлмайди. Айнан шу сабабли саройлар архитектурасида ўзига хос маҳобатлилик, ҳашаматлилик, куч – қудрат, бойлик ва бунёдкорлик рамзлари шаклланган. Хуросон саройлари архитектураси шароити иссиқ ва қуруқ иқлимли Ислом шарқи мамлакатлари меъморчилигига хос ички ва ташқи ҳовлилар феномени, пешайвонлар, кайвонлар, шийпонлар, кўшк шакллари, ҳовузлар, фавворалар, боғлар, сайргоҳлар, гулзорлар, чаманлар ўз аксини топган (1-расм).



1-расм. Ҳирот шаҳрининг турар жойлар архитектураси.

Навоий давридаги масжидлар хизмат кўрсатиш доираси ва мавқеи ҳамда жойлашишига кўра гузар, жума, жоме масжидлари ва намозгоҳлар (мусаллолар) ҳамда зиёрат масжидларига бўлинган (2-расм). Гузар, жума ва жоме масжидлари шаҳар ҳудуди – (ҳисор)да жойлаштирилса, намозгоҳлар шаҳар ташқарисида, унга яқин кенг майдонли ҳудудларда қурилган. Зиёрат масжидлари улуғ мартабали шайхлар ва Ислом дини уламоларининг мозори қошига уларни хотирлаш ва зиёрат қилиш мақсадида қурилган. Бундай масжидларнинг турлари ва архитектураси уларнинг жойлашган жойи ва ўша мақбаралар меъморий масштабига боғлиқ ҳолда шакллантирилган. Бундай масжидларга мисол тарзида Турукдаги масжидни (1439 й.), Таябоддаги Мавлоно Зайниддин Таябодий мозори ёнидаги масжидни (1444 й.), Анаудаги Шайх Жамолиддин масжидини (1456 й.), Балхдаги Хўжа Абу-Наср масжиди (XV асрнинг 70 йиллари) кабиларни киритиш мумкин. Ҳиротда Темурий шоҳзодалар: Шоҳрух Мирзо, Ҳусайн Бойқаро ва вазир Алишер Навоий қурдирган мадрасалар нафақат Хуросонда, балки Ўрта Шарқда ҳам нуфузли олий билим масканлари ҳисобланган. Навоий қурдирган мадрасаларнинг меъморий-тарҳий тузилиши ҳам XV аср меъморчилигининг бу турдаги иморатлари йўналишида бўлгани шубҳасиздир. Мадрасанинг пештоқ қисми баланд ва ҳашамдор, бош тарзнинг икки ёнига туташ миноралар пештоқдан ҳам юқорилаб кетган гулдасталар билан безатилиши бу давр мадрасалари учун анъанавий ҳисобланган.



2-расм. Ҳирот. Гавҳаршодбегим қурдирган мадрасадан қолган осмонўпар миноралар ва улар ёниги қурилган Алишер Навоий мақбараси.

Марказий Осиё ҳудудида даволаш, соғломлаштириш-гигиеник муассасаларининг меъморий шаклланиши X-XII асрлардан бошлангани тарихий манбалардан маълум. Жумладан, X асрда Марвда, XII асрда Гурганж ва Самарқанд шаҳарларида жамоат касалхоналари бўлган. XIII аср охири - XV аср бошларида биргина Ҳирот шаҳрининг ўзида бешта жамоат шифохонаси фаолият кўрсатган. Ушбу шифохоналар таркибида дорихона ҳам бўлиб, унда дорипазлар беморлар учун дори-дармонлар тайёрлаб берган. Навоийнинг ўзи ҳам Ҳиротда Инжил канали бўйида катта шифохона қурдириб, унга “Шифоия” деб ном беради. Темурийлар даврида қурилган барча жамоат шифохоналари архитектураси ички ҳовлили, айвонли, тарзий композицияга эга бўлиб, унда беморларнинг ҳужралари ҳовли деворига туташ, бир-бирига ёндош ва қатор қилиб жойлаштирилган. Ҳужралар олдига, баъзан, узун айвон – раҳров қурилган. Ҳовли ўртасида ҳовуз, унинг атрофида чорчаман, гулдор буталар ва беморлар учун дам олиш ўриндиқлари шакллантирилган, ички ҳовлида қулай микроклим ва ташқи шовқиндан ҳолилашган микро муҳит яратиш имкони бўлган. Шифохонанинг хоналари таркибига беморлар учун хужра (палата)лар, бош табиб ва даволовчи табиблар хонаси, табиблар маслаҳатлашуви ва йиғиладиган жамоатхона, тиббий муолажалар ва ҳамширалар хоналари, дорихона, китобхона, ошхона, омборхона ва бошқа махсус хоналар кирган. Баъзида шифохоналар ёнида мадрасалар қурилиб, мадраса ва шифохона бинолари яхлит бир табобат академияси тарзида фаолият кўрсатган. Бунга мисол қилиб Ҳиротда Навоий қурдирган Шифоия шифохонаси ва унинг ёнидаги Ихлосия мадрасасини кўрсатиш мумкин.

Навоий даврида бошқа бинолар қаторида ҳаммомлар қурилиши ҳам анча ривожланган (3-расм). Шахсан Навоийнинг ўзи ҳам 9 та ҳаммом қурдирган, бу эса Навоийнинг ўз халқи ҳаёти ва турмушига анча юксак маънавий қадриятлар билан ёндошганлигини, ўша давр даволаш ва соғломлаштириш-

гигиеник муассасалар архитектураси ҳам Навоий даври иморатлари типологиясининг муҳим таркибий қисмига айланганлигини кўрсатади.



3-расм. Ҳаммомнинг ечиниш ва марказий ювиниш зали тасвирланган миниатюра. К. Беҳзод асари

Темурийлар, хусусан Навоий даврида тасаввуф масканлари бўлмиш хонақоҳлар қурилишига ҳам катта эътибор берилган. Аксари хонақоҳлар мадрасалар ва масжидлар қошида, базида хонақоҳ-зиёратгоҳлар тарзида қурилган. Масалан, Навоийнинг “Халосия” хонақоси Инжил канали мавзесида қурилган “Ихлосия” мадрасаи-олияси қаршисида, у билан бир ҳудудда ансамбль ҳолида қурилган. Хонақоҳлар архитектураси Марказий Осиёда суфизмнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, жамиятдаги роли ва ўрни ҳамда хонақоҳларнинг жойлашиш географиясига боғлиқ ҳолда турлича кўринишларда шакллантирилган. Дастлаб улар ҳовлили композицияда (бир ва кўп ҳовлили тарзда), сўнгра ҳовлили-айвонли композицияда (бир ва кўп ҳовлили кўринишларда), кейинчалик пештоқли гумбазли композиция (ҳовли-сиз ва ҳовлили вариантлар)да меъморий жиҳатдан трансформацияланган.

Хуросон архитектураси Навоийгача Мовароуннаҳрда шаклланган “Амир Темур меъморий стили”га хос бўлган анъаналар: иморатларнинг режавий ва ҳажм-фазовий ечимларидаги ички ҳовлилик, мунаққашлик, бино тарзи, иморат курсиси, остонаси ва бадий тугаллик композицияларининг бўрттирилиши, бино қисмларининг иморат тарҳи бўйлама ўқига нисбатан аксли симметриялиги, композициявий тузилишидаги яхлитлик, меъморий ўлчамлар ва шакллар уйғунлиги, нақшу-нигорлар рангидаги мута-носиблилик каби анъаналарни ўзида акс эттирган. Алишер Навоийнинг Инжил канали бўйида бунёд эттирган нуфузли жамоат бинолари: Ихлосия, Халосия, Шифоия, Сафоия ва Унсия уй-саройи ва боғи, Хусайн Бойқаронинг Ҳирот шаҳридаги жоме масжиди ва мадрасаси, Ҳирот шаҳри эски жоме масжидининг қайта тикланиши, кенгайтирилиш таъмири ва бошқа қурилишлар бунга мисолдир;



Ҳирот шаҳри турар жойларининг меъморий-режавий шаклланишида маҳаллий иқлим шароитлари ва ислом шариати талаблари эътиборга олинган. Турар жойларнинг нафақат бир, балки баъзан икки (ички ва ташқи) ҳовлили қилиб қурилишида исломий анъаналар ва маҳаллий урф-одатларнинг аҳамияти катта бўлган. Масалан, Ҳирот турар жойлари қурилишда уй соҳиби оиласи билан яшайдиган ички ҳовлисига номаҳрамларнинг кўзлари тушмаслиги таъминланган. Кўпчилик турар жойларнинг сарой ва уй иморатлари ичидан юқорига қат рослаган “бодгир”лари (бино ичини шамоллатувчи махсус меъморий тик қурилмалари) бўлган. Барча бодгирлар туйнуғи шамол тарафга қаратилган. Навоий даврида айрим амалдорлар уйларини безашда рангли деразалар қўлланилган.

Буларнинг барчасига бир томондан Алишер Навоийнинг Хуросон равнақи йўлидаги кенг бунёдкорлик шижоати сабаб бўлган бўлса, бошқа томондан, пойтахтда Ҳирот ёхуд Хуросон меъморлик миллий мактабининг шаклланиши, унинг бошида эса Қувомуддин Шерозий ва Мирак Наққошдек забардаст меъмор-муҳандис ва наққошларнинг тургани сабаб бўлган. Қувомуддин Шерозий ва Мирак Наққош ижодига изланувчанлик, бирини бошқа иморатда такрорламаслик, меъморий жозибadorлик, давр меъморчилигига янгиликлар киритиш, ички ва ташқи меъморий шакллар, нақшлар гармониясига эришиш каби фазилатлар хос бўлган. Бу мактаб архитектурасининг типологияси ўша давр ҳаётининг ижтимоий заруратлари ва Темурийлар давлатчилигининг талабларига мос ҳолда шаклланиган

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. Пугаченкова Г.А. Зодчество центральной Азии XV век. Ташкент, 1976.
2. Маликов У.Э. Амир Темур ва темурийлар саройлари архитектурасининг ўзига хос хусусиятлари. // Меъморчилик ва қурилиш муаммолари илмий-техник журнали, №3, 2019.
3. Бекназарова М.-Ўзбекистонда Гулчиликни ривожлантириш ва ландшафт архитектурасига тадбиқ этиш. 2022-й.
4. Уралов А.С. Гражданское зодчество средневековой Центральной Азии. Ташкент, 2021.
5. Тўраева Н- Қишги боғ қурилиши ва ўстириладиган гулар 2022-й
6. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=sGA2490AAAAJ&citation_for_view=sGA2490AAAAJ:2osOgNQ5qMEC
7. <https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/2725>